

MEASURES TO ENSURE EMPLOYMENT OF THE UNEMPLOYED DURING THE PANDEMIC

Kurbanov Sirojiddin Kurbanovich,
Researcher of SamSU

Khairullaev Shahram Yunus oglu,
4th year student of SamSU

Raimov Abror,
3rd year student of SamSU

Abstract

The article discusses the ways of overcoming the problems arising in the employment of the population in our country.

Key words: social protection, poverty, employment of the unemployed, fighting the crisis, employment.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида, хусусан, республикамизда коронавирус инфекциясини ёйилишини олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича кенг кўламли чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Ушбу мажбурий чорларнинг қўлланилиши, бир томондан, ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришига, иккинчи томондан эса, ишсизлик даражасининг ошиши ва аҳоли даромадларини пасайишига олиб келмоқда. 2019-2020 йилги коронавирус пандемияси сабабли дунёдаги миллионлаб корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини тўхтатгани 2 миллиард 700 миллион ишчига ўз таъсирни кўрсатди. Жаҳонда камбағал аҳоли сони қарийб 2 бараварга ёки 500 миллион кишига кўпайиш хавфи юзага келмоқда. Ишсизлар сонининг кескин даражада ошиши ва аҳоли даромадлари манбаси қисқариши билан боғлиқ ижтимоий муаммолар тобора кучайиб бормоқда.

Коронавирус пандемияси даврида давлатнинг муҳим вазифаларидан бири – ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ишсизларни иш билан бандлигини таъминлаш бўйича самарали чора-таadbирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мамлакатимизда карантин туфайли 196 мингта корхонада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми кескин камайган. Карантин туфайли, табиийки, ишсизлар сони ҳам ошган.

Коронавирус пандемияси жаҳон иқтисодиёти учун салбий таъсир этмоқда. Кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли даражада пасайиши кузатилиб, қатор тармоқлар инқирозга юз тутмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича савдо ҳажми 32 фоизгача қисқариши тахмин қилинмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида ишсизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини самарали қўллаб-қувватлаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Дунё бўйича қўлланилаётган карантин ҳолати иқтисодиёт тармоқларини секинлашишига ёки умуман тўхташига олиб келди. Мажбурий чоралар ўз-ўзидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кескин қисқартирди бу эса, ўз навбатида, ишсизликни ошишига ҳамда аҳоли даромадларининг қисқаришига олиб келмоқда.

Сўнгги йилларда республикаимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори кўрсаткичларда ўсиб бориши ЯИМ тузилмасидаги улушини ҳам ошишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг ҳисоботиغا кўра, 2019 йил якунларига кўра ЯИМда хизматлар 35,5%, саноат 30%, қишлоқ хўжалиги 28,1%, қурилиш 6% ни ташкил этди. Демак хизмат кўрсатиш соҳасидаги оғир вазият иқтисодий ўсиш суръатларига жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги вақтда республикаимизда пандемияни иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатишга кескин чоралар кўрилмоқда. Хусусан, 10 триллион сўм миқдоридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди, халқаро молия институтлари билан умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича келишувларга эришилган.

Инқирозга қарши курашиш фонди вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш;
- тадбиркорликни ва аҳолининг иш билан бандлигини қўллаб-қувватлаш;
- аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш;
- иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш.

Республикаимизда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиётга таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда олиб борилиши белгиланди:

1) Стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳолига пандемия даврида зарурий хизматлар кўрсатувчи инфратузилма объектлари фаолияти барқарорлигини сақлаб қолиш;

2) Инқироз даврида иқтисодий қийинчиликка учраган хўжалик юритувчи субъектларга молиявий кўмак бериш, солиқ имтиёзларини жорий этиш, тўлов муддатларини кечиктириш каби энгилликлар орқали иқтисодиёт ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадларининг кескин пасайишини олдини олиш, иш ўринларини сақлаб қолиш, ишсизликни камайтириш.

Ўзбекистонда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш, бунинг натижасида аҳоли даромадларини рағбатлантириш ва тадбиркорлик субъектларини солиқ имтиёзлари орқали қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сонли, 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сонли, 2020 йил 27 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5986-сонли, 2020 йил 18 майдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5996-сонли фармонлари ва бошқа 10 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлари орқали жами 312 минг ортиқ респондент иштирок этган сўровнома натижаларига асосан фуқароларнинг 21 %и вақтинча ишини йўқотган, 7 %и ўз ҳисобидан меҳнат таътилида, 7 %и ҳақ тўланадиган меҳнат таътилида, 18 %и уйда масофадан туриб ва 21 %и ишхонага қатнаб ишлаётганлигини билдиришган.

Республикамизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ҳамда корхоналар даромадлари йўқотишларини қоплаш, фаолият юритишини ҳамда иш ўринларини сақлаб қолишни рағбатлантириш мақсадида турли имтиёзлар жорий этилди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик субъектларига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича кечиктириш имконияти тақдим этилди.

Юқорида келтирилган масалалар билан бир қаторда аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш масаласи ҳам пандемия шароитида долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Меҳнат бозори жамият, сиёсат ва иқтисодиётда рўй берадиган ўзгаришларга сезгир ҳисобланади. Дунё бўйича 2020 йил бошланишидан меҳнат бозоридаги айрим касбларга бўлган талаб кескин ўзгара бошлади.

Инқирозли шароитларда, хусусан, коронавирус инфекциясининг кенг тарқалиши хавфи мавжудлиги шароитида аҳоли даромадларини ва иш ўринларини сақлаб қолиш, аҳоли иш билан бандлигининг эгилувчан шаклларида, яъни, айрим жойларда қисқартирилган иш куни ёки ҳафтаси, айрим соҳаларда масофавий иш билан бандликдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 30.12.2020.
2. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У. ва бошқ. Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари (монография). - Тошкент: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2017, -130 бет